

10. Исаев Ф. Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилидан фойдаланишини тақомиллаштириш //Экономика и образование. – 2021. – №. 4. – С. 172-176.
11. Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа //актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организаций. – 2017. – С. 246-254.
12. Isaev, F. (2017). Солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичига таъсири таҳлили. Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar, (6), 294-301. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9579
13. Исаев Ф. И. Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси." //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. – 2021.
14. Isaev, F. (2021). Мол-мулкни солиққа тортини тақомиллаштириш. Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar, (6), 326-333. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224
15. Исаев, Ф. (2022). Солиқ таҳлилини ўрганиш зарурияти. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/720>
16. Курбанов З., Исаев Ф. Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботининг баъзи масалалари //Экономика и образование. – 2022. – Т. 23. – №. 4. – С. 190-196.
17. Исаев, Ф. (2022). РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ. Iqtisodiyot Va ta'lim, 23(5), 171-176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>
18. Isaev F. I. Tax Accounting: Theory and Practice //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2022. – Т. 9. – №. 12. – С. 30-38.
19. Ikromovich, Isayev Fakhreddin. "Concept of economic analysis and its structural components." International Journal of Marketing and Technology 7.12 (2017): 1-13.
20. Ikromovich, Isayev Fakhreddin. "Analysis of the profit tax and its improvement." International Journal of Research in Social Sciences 7.12 (2017): 74-85.
21. Jumaev Nadir Hosiyatovich, Rizaev Nurbek Kadirovich, & Isaev Fakhreddin Ikromovich. (2023). ORGANIZATION OF TURKIC STATES: INTEROPERATION AND ACCOUNTING SYSTEM. British Journal of Global Ecology and Sustainable Development, 13, 116-129. Retrieved from <https://journalzone.org/index.php/bjgesd/article/view/245>
22. Нормурзаев У. (2021). Анализ эффективности налоговых льгот и преференций в поддержке определенных секторов с целью дальнейшего повышения инвестиционной привлекательности в Узбекистане. Экономика и образование, (6), 82-86. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/285>
23. Нормурзаев У. (2021). Пути эффективного использования налоговых льгот для поддержки предпринимателей. Экономика и инновационные технологии, (4), 355-362. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11954
24. Нормурзаев У. Тадбиркорларни қўллаб-куватлашда солиқ имтиёзларини бериш орқали самарали усуллардан фойдаланиш ўйлари //Экономика и образование. – 2021. – №. 3. – С. 91-95.



ДАВЛАТ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТЎҒРИ СОЛИҚЛАРНИНГ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Хўжсақўлов Рамишд Юнусович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил тадқиқотчиси

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a68

Аннотация. Мазкур мақолада республикамиэда янги тараққиёт стратегиясида солиқ-бюджет тизимиши самарадорлигини таъминлаш ҳисобланади. Солиқ салоҳиятини ҳисоблаш формулалари келтирилган шунингдек солиқ-сиёсатини тақомиллаштириш, бюджеттада харажатлар эҳтиёжларини ва тенглаштириш дастурларининг асосий жиҳатларини аниқлашада мавжуд инновацион усуллар ва услубий ёндашувларни ишлаб чиқишини тақомиллаштириш, иқтисодий-математик моделлаштириш ва прогнозлашнинг кенг кўламли усулларини қўллаш тақлифлар берилган.

Калим сўзлар: солиқ, бюджет сиёсати, бюджет, солиқ маъмурчилиги, маҳалий бюджет, солиқ салоҳияти, норматив таҳлил, позитив таҳлил, солиқ юки, репрезентатив солиқ ставкаси, ўртacha ставка солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

ВОПРОСЫ КОРРЕКТНОГО НАЛОГОВОГО ПРОГНОЗИРОВАНИЯ ПРИ ФОРМИРОВАНИИ ДОХОДОВ ГОСУДАРСТВЕННОГО БЮДЖЕТА

Ходжаколов Рамишд Юнусович -
Независимый исследователь Ташкентского
государственного экономического университета

Аннотация: В данной статье речь идет об обеспечении эффективности налогово-бюджетной системы в новой стратегии развития нашей республики. Приведены формулы расчета налогового потенциала, а также предложения по совершенствованию налоговой политики, совершенствованию развития существующих инновационных методов и методических подходов в определении потребности расходования средств в бюджете и основных аспектов программ выравнивания, а также использование широкой комплекс экономико-математических методов моделирования и прогнозирования.

Ключевые слова: налог, бюджетная политика, бюджет, налоговое администрирование, местный бюджет, налоговый потенциал, регуляторный анализ, положительный анализ, налоговая нагрузка, репрезентативная налоговая ставка, налоговый отчет по средней ставке, налоговые поступления, налоговые льготы, налоговая ставка.

Khojakolov Ramshid Yunusovich -

*Independent researcher of
Tashkent State University of Economics*

Annotation: This article is aimed at ensuring the effectiveness of the tax and budget system in the new development strategy in the country. Formulas for calculating tax potential are also presented, as well as suggestions for improving tax policy, improving the development of existing innovative methods and methodological approaches in determining the needs of the budget and key aspects of equalization programs, the use of comprehensive methods of economic and mathematical modeling and forecasting.

Keywords: Tax, budget policy, budget, tax administration, local budget, tax potential, normative analysis, positive analysis, tax burden, representative tax rate, average rate tax report, tax revenues, tax deductions, tax rate.

Кириш. Давлат бюджети тузумидан ва тараққиёт даражасидан қатъий назар, давлат функцияларини бажариш учун бюджет даромадларининг лозим даражада шакллантириш ҳар бир давлат учун зарур ҳисобланади. Бу вазифа солиқ сиёсатини тўғри юритишида ҳамда бюджет дефицитини қоплаш усулларини танлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бугунги тараққиётнинг ҳозирги босқичида республика-мизда маҳаллий бюджетларнинг ролини ошириш, ташабbusli бюджетни жорий этиш билан боғлиқ масалаларини ҳал этиш учун уларнинг даромад манбаларини тўғри прогноз қилиш орқали уларнинг даромадларини кучайтириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар шархи. Иқтисодий нуқтаи назардан, солиқ ва соликдан ташқари тушумларнинг ўсиши учун қўшимча заҳира-ларни топиш ва жалб қилиш нафақат маҳаллий бюджетларни тўлдириш, балки замонавий ҳуқуқий маконни шакллантириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар, турли ижтимоий йўналтирилган шаҳар дастурлари ва уларни амалга ошириш масаласидир.

Россиялик иқтисодчилардан Ю.А. Власованинг фикрига кўра “Маҳаллий бюджетларнинг даромадли салоҳияти давлат-хусусий шерикликни янада фаолроқ амалга оширишни, солиқ имтиёзларини жорий этиш ва бюрократик жараёнларни тезлаштириш ва соддалаштириш орқали бизнес юритишни иложи борича осонлаштиришни, ноишлаб чиқариш харажатлари улушкини камайтиришни ва ишлаб чиқариш харажатларини кўпайтиришни талаб қилади. Натижада минтақадаги бюджет сиёсати самардорлигининг ошишига олиб келади. Маҳаллий бюджетларнинг даромад салоҳиятини ошириш бўйича комплекс қарор узоқ муддатли истиқболда бутун минтақа иқтисодиёти учун кучли ижобий таъсир кўрсатади”[1]. Яна бир Россиялик иқтисодчи, профессор О.Сухарев барча даражадаги бюджет даромадлари манбаларини тубдан ўзgartiriш, бюджет механизмини рағбатлантиришга йўналтирилган харажатларни са-марали фаолият натижаларни жорий этиш ти-

зимини илгари суради [2]. Жумладан, А.В.Брызгалин ўз тадқиқотларида солиқ тушумлари билан солиқ юки ўртасидаги боғлиқларни тадқиқ қилиб унинг солиқ тушумлари прогнозига таъсирини баҳолаган бўлса, В.Г.Пансков ва В.Кынязевлар бюджетни прогноз қилишда солиқ тушумларини прогнозлаширишнинг аҳамиятини кўрсатиб берган. [3,4].

С.Худойқулов ўз тадқиқотларида эконо-метрик усуллар орқали давлат бюджети жами даромадларининг 2018-2023 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари аниқланган[5], А.Агзамов жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини 2019-2023 йиллар учун прог-ноз кўрсаткичларини аниқлаган, PhD У.Пардаев давлат бюджети даромадларини прогнозлаш масалаларини тадқиқ этган, и.ф.д. Ж.Урмонов 2018-2020 йилларга мўлжалланган ягона солиқ тўловининг солиқ тушумлари прогноз кўрсат-кичларини аниқлаган [6].

Бизнинг фикримизча бюджети даромадларидаги улушкини ортиб бориши, солиқ тўловчи-лар сонининг ўсиши, солиқ имтиёзлари, солиқ қарзлари ва ортиқча (олдиндан) тўловлар динамикасидаги ўзгаришларига олиб келади. Бундан ташқари давлат томонидан солиқлар орқали тартибга солиш рақобатбардошли-кка таъсир қилиш омилларидан бири бўлсада, солиқ тизими корхоналарнинг рақобатбардошли-гига турли хил йўллар билан таъсир қиласи. Солиқ солиши инвестиция ва инновацион жараёнларга таъсир қилиш орқали корхоналарнинг рақобатбардошлигига билвосита таъсир қиласи.

Тадқиқот методологияси. Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларидан фойдаланилди. Мақолада иқтисодчи олимларнинг давлат молия тизимининг долзарб масалаларидан бири сифатида маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Мамлакатнинг иқтисодий барқарор ривожланишининг юқори бўлиши, солиқ тушумларининг уму-

мий ҳажмида түғри солиқларнинг улусининг юқори бўлишига сабаб бўлмоқда.

Хорижий мамлакатларда бюджет даромадларининг энг муҳим қисми жисмоний шахслар даромадлари ва корхоналарнинг фойдасига бевосита солиқ солишдан ташкил топади [7].

Хусусан, иқтисодчи олим Ж.Стиглиц Миллий иқтисодиётда бюджет даромадлари ва солиқ тушумлари умуман олганда асосий рафбатлантирувчи молиявий сиёсатни ташкил этади деб таъкидлаган [8].

Шунингдек, бюджет даромадларини макроиктисодий тартибга солиша фойдаланиш имкониятлари ишлаб чиқариш шароитлари ва натижалари ҳамда иқтисодий муносабатларни ривожланиш даражаси билан боғлиқdir.

Биз тадқиқотимизни бюджет даромадларини ташкил этувчи солиқ тушумларини миллий иқтисодиётга таъсирини панель маълумотлари асосида эконометрик моделларини ишлаб чиқдик.

Панель маълумотларнинг регрессион таҳлили – бу панель маълумотлари бўлган маълумотлар структураси ҳисобланади [9].

Одатда, кесма маълумотлари билан регрессия таҳлилида параметрларни баҳолаш оддий энг кичик квадрат (OLS) деб номланган энг кичик квадратлар усулини баҳолаш орқали амалга оширилади.

Регрессия усули маълумотлар панели энг яхши чизиқли холис баҳолаш (BLUE) бўлган баҳолаш натижасини беради.

Иқтисодчи олим Х.Виллиамларнинг фикрича панель маълумотлари бу вақтнинг бир нечта нуқталарида кузатилган кесмалардан ташкил топган панель маълумотлар тўпламларидир, иккала хусусиятини ҳам намоён қилиши мумкин деб таъкидлаган [10].

Эконометрик моделлаштиришда панель маълумотлари айнан вақтли қаторларда ёки айнан фазовий маълумотларда аниқланмайдиган таъсиrlарни янада яққол аниқлаш ва ўлчаш имкониятини ҳосил қиласди;

Панель маълумотлар моделилари умумий нуқтаи назарадан қўйидгича ифодаланади;

Панель маълумотлари индивидуал ҳатти-харакатлар тўғрисида маълумот беради, улар ҳам кесма, ҳам вақт серияси ўлчовларига эга.

Панель маълумотлари T мунтазам вақт оралиғини N та кузатувларни ўз ичига олади.

Панель маълумотлари тенгламаларда i биргалиқда қўлланилади. Масалан, x_{it} дейилгандага i худудда t вақтдаги кўрсаткични ифодалайди.

Pooled OLS estimator (POLSE)- Панель маълумотлар моделига ёндашув жуда содда, чунки

у фақат вақтли қаторлар ва фазовий маълумотларини бирлаштиради.

Ушбу моделда вақт ва индивидуал ўлчовлар ҳисобга олинмайди, шунинг учун корпоратив маълумотларнинг ҳатти-харакатлари турли даврларда бир хил бўлади деб тахмин қилинади.

Ушбу усул панель маълумотлар моделини баҳолаш учун оддий энг кичик квадрат (OLS) ёндашувидан ёки энг кичик квадратлар техникасидан фойдаланиши мумкин [11].

Шунингдек, i омил ва t вақт бўйича маълумотлари асосида регрессия ҳосил қилинади.

Унга кўра, Pooled OLS estimator модел кўриниши қўйидагича акс этади

$$y_{it} = \beta_0 + \beta_1 x_{1it} + \beta_2 x_{2it} + u_{it} \quad (1)$$

$$i=1 \dots N, t=1 \dots T, NT\text{-кузатувлар сони}$$

Fixed effects estimator (FEE) – эконометрикада қатъий таъсири модели бўлиб ушбу модель параметрлари қатъий ёки тасодифий бўлмаган миқдорлар учун статистикада фойдаланилади [12].

Бу тасодифий эфектлар моделилари ва модель параметрларининг барчаси ёки баъзилари тасодифий ўзгарувчilar бўлган аралаш моделлардан фарқли равишда эконометрика ва статистика каби кўплаб иловаларда ўзгармас эфектлар модели регрессия моделига ишора қиласди, бунда гурух ўртачалари ўзгармас (тасодифий бўлмаган) бўлади [13].

Fixed effects estimator (FEE) ўзгармас эфектлар (вақтни камайтирувчи ўзгарувчilarдан фойдаланади) қўйидаги кўринишда ифодаланади.

$$y_{it} - \bar{y} = \beta_1(x_{1it} - \bar{x}_{1i}) + \beta_2(x_{2it} - \bar{x}_{2i}) + (u_{it} - \bar{u}_i) \quad (2)$$

Random effects estimator (REE) - Тасодифий эфектлар ҳисоблагиши вақт ўтиши билан ўзгариб турадиган ва ўзгармайдиган ўзгарувчilarни кўриб чиқишга имкон беради. Унга кўра вақт ўтиши билан ўзгармайдиган жинс ёки ирқ каби намунадаги шахсларнинг хусусияtlari тасодифий таъсирга киритилиши мумкин, аммо улар қатъий эмас [14].

Эконометrikанинг тасодифий таъсиrlар баҳоловчиси самарадорликни максимал даражада ошириш учун баҳоловчи ичидаи яъни, қатъий таъсиrlar баҳоловчи ва ўртасидаги баҳоловчини бирлаштиради [15].

Бу умумлаштирилган энг кичик квадратларнинг қўлланилиши ва асосий ғоя тескари дисперцияни тортиши ҳисобланади.

Унга кўра модел қўйидгача ифодаланади:

$$y_{it} - \theta \bar{y}_i = \beta_0 + \beta_1(x_{1it} - \theta \bar{x}_{1i}) + \beta_2(x_{2it} - \theta \bar{x}_{2i}) + (a_i - \theta \bar{a}_i) + (u_{it} - \theta \bar{u}_i) \quad (3)$$

θ – күрсаткичи Random effects estimator (тасодифий эфектлар фарази) да тахмин қилинүвчи ҳисобланади. Унга кўра: $\theta = 1 - \sqrt{\frac{\sigma_u^2}{\sigma_u^2 + T\sigma_{\bar{u}}^2}}$ (4),

$\theta=0$, бўлганда **Pooled OLS** мос келади (a_i бу ерда муҳим эмас)

$\theta=1$ баҳоловчи ичидаги **Fixed effects**га мос келади. (a_i бу ерда муҳим эмас).

Бу ерда Random effects (тасодифий эфектлар) **Pooled OLS (Бирлаштирилган OLS)** ва баҳоловчи ичидаги **Fixed effects**ни ўртача тортилган қиймати ҳисобланади.

Панель маълумотлари асосида эконометрик моделларни ишлаб чиқиша Hausman тести орқали текширилади.

Панель маълумотларни таҳлил қилинди Fixed effects estimator (FEE) Hausman тести собит эфектлар модели ёки тасодифий эфектлар модели ўртасида танлов қилишга ёрдам беради.

Ноль гипотеза - афзал қилинган модель тасодифий эфектлар;

Муқобил гипотеза шундан иборатки, модель ўзгармас эфектлардир. Аслида, тестлар моделдаги ноёб хатолар ва регрессорлар ўртасида боғлиқлик бор-йўқлигини текширади.

Ноль гипотеза шундан иборатки, улар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ [16].

Миллий иқтисодиётда 14 та ҳудудда 11 йиллик солиқ амалиётларини ЯИМга таъсирини панель маълумотларидан фойдаланиб Pooled OLS estimator(POLSE), Fixed effects estimator (FEE), Random effects estimator(REE) моделлари асосида эконометрик тенгламалар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, ушбу эконометрик моделлар бўйича Гаус Марковнинг муҳим шартлари ҳамда улар асосида Durbin Watson, Shapiro Wilk,

Breusch-Pagan ва Hausman тестлари текширилди. Омиллар ўртасидаги мултиколинеарлик ҳолатини Vif тести ҳам текширилди.

Тадқиқот бўйича эконометрик моделларни ишлаб чиқиша график жадваллар тузилди, кўрсаткичларнинг боғланиш ўйналиши ва зичлигини аниқланди.

Бизнинг гипотезамизга кўра, миллий иқтисодиётда юридик ва жисмоний шахсларнинг бюджет тушумида фойда солигининг ўзгариши ЯИМ ҳажмининг ортишида кучли боғлиқлик мавжуд.

Шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг бюджет даромадлари бўйича солиқ имтиёзлари ЯИМ ҳажмининг ошишига тескари таъсир эташга олиб келади.

Тадқиқот бўйича ишлаб чиқилган эконометрик моделлар бўйича ўзгарувчилар Давлат Солиқ қўмитаси ва Статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланилди.

Улар қуйидагича ифодаланди.

Y - ЯИМ (Ялпи ички маҳсулот) натижавий белги.

X1 - Бюджетга тушум фойда солиги (Юридик шахс) омил белги

X2 - Бюджетга тушум фойда солиги (Жисмоний шахс) омил белги

X3 - Бюджет даромадлари бўйича солиқ имтиёзлар (Юридик шахс) омил белги

X3 - Бюджет даромадлари бўйича солиқ имтиёзлар (Жисмоний шахс) омил белги

Тадқиқот бўйича 2011-2021 йилларда Республикализдаги 14 та ҳудуд бўйича натижавий белги ва омил белгилар кўрсаткичларининг таҳлилий график жадвали қуйидаги кўринишга эга бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Pooled OLS estimator (POLSE) эконометрик модели бўйича Гаус Марков 2-шарти [23]

Ўзгарувчи омиллар	Кузатувлар сони	Ўртача қиймати	Стандарт четланиш	Минимум	Максимум
Model	154	9.60936	.7425838	8.270875	11.84136
Y	154	9.60936	.7980603	7.772458	11.71038

Pooled OLS estimator моделига кўра Гаус Марковнинг навбатдаги шартларида Durbin Watson, Shapiro Willke ва Breusch-Pagan тестларини ҳам стата дастури асосида текширилди.

Тешкирув натижаларига кўра, Durbin Watson 0.77 қийматига, Shapiro Willke 0.88 қийматига ҳамда Breusch-Pagan 0.36 қийматига эга бўлган. Юқоридаги тест қийматларига кўра $H_0: y=0$, $H_1: y \neq 0$ $p>0.05$ бўлганда бош гипотеза маънога эга бўлган.

$$y_{it} - \theta \bar{y}_i = \beta_0 + \beta_1(x_{1it} - \theta \bar{x}_{1i}) + \beta_2(x_{2it} - \theta \bar{x}_{2i}) + (a_i - \theta \bar{a}_i) + (u_{it} + \theta \bar{u}_i) \quad (6)$$

Тадқиқот бўйича Fixed effects estimator (FEE) модел бўйича эконометрик тенглама кўр

шунингдек, биз тадқиқотимиздаги альтернатив гипотезани рад этдик Durbin Watson Shapiro Willke ва Breusch-Pagan тестлари $p>0.05$ дан катта эканлигини инобатга олиб, Гаус Марковнинг модел бўйича муҳим шартлари бажарилган.

2. Random effects estimator (REE) модели таҳлили.

саткичлари қуйидаги 4-жадвалда келтирилган.

**Random effects estimator (REE) модели бўйича натижавий ва омил белгиларнинг
эконометрик тенгламаси [23]**

Y	Coef.	St.Err.	t-value	p-value	[95% Conf Interval]	Sig
X1	.226	.033	6.81	0	.161 .291	**
X2	.627	.048	13.14	0	.533 .72	**
X3	-.126	.036	-3.54	0	-.196 -.056	**
X4	-.007	.016	-0.44	.663	-.038 .024	
Constant	6.695	.403	16.61	0	5.905 7.485	**
Mean dependent var	9.609		SD dependentvar		0.798	
Overall r-squared	0.860		Number of obs		154	
Chi-square	919.131		Prob > chi2		0.000	
R-squared within	0.866		R-squared between		0.887	

*** $p<.01$, ** $p<.05$, * $p<.1$

2-жадвал бўйича Random effects estimator (REE) моделига кўра омил белгилар мос равишда **0.22, 0.62, -0.12** ва **-0.007** қийматларини ташкил этган, стандарт хатоликлар **0.03, 0.04, 0.03** ва **0.01** қийматларига эга бўлган.

ANOVA жадвалидаги ҳақиқий қиймати **Chi = 919.03** қийматини ташкил этиб юқори қийматга эга бўлган.

$$Y=0.22X1+0.62X2-0.12X3-0.007X4+6.695.17 \quad (7)$$

Random effects estimator (REE) эконометрик модели асосида **Hausman** тести текширилди ва тест қиймати **0.0000** қийматига эга бўлди.

Random effects estimator (REE) эконометрик модели **Hausman** тести бўйича $H_0: y=0$, $H_1: y\neq 0$ $p>0.05$ бўлганда бош гипотеза маънога эга эмас. Тадқиқотимизда альтернатив гипотеза маъқулланди. **Hausman** тести $p>0.05$ қийматидан катталигини инобатга олган ҳолда ушбу шарти бажарилмаган.

3. Fixed effects estimator (FEE) модели таҳлили

$$y_{it} - \bar{y} = \beta_1(x_{1it} - \bar{x}_{1i}) + \beta_2(x_{2it} + \bar{x}_{2i}) + (u_{it} + \bar{u}_i) \quad (7)$$

Тадқиқот бўйича Fixed effects estimator (FEE) модели бўйича эконометрик тенглама

ANOVA жадвалидаги **R-squared=0.86** қийматни ҳосил қилган.

Тадқиқот бўйича ишлаб чиқилган Fixed effects estimator (FEE) модел қуидаги кўринишга эга бўлди.

кўрсаткичлари қуидаги 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвалга кўра Fixed effects estimator (FEE) моделига кўра омил белгилар мос равишда **0.27, 0.62, 0.03** ва **0.06** қийматларини ташкил этган, стандарт хатоликлар **0.03, 0.04, 04** ва **0.01** қийматларига эга бўлган.

ANOVA жадвалидаги ҳақиқий қиймати **F=254.07** қийматини ташкил этиб юқори қийматга эга бўлган.

ANOVA жадвалидаги **R-squared=0.88** қийматни ҳосил қилган.

Тадқиқот бўйича ишлаб чиқилган Fixed effects estimator (FEE) модели модел қуидаги кўринишга эга бўлди.

$$Y=0.27X1+0.62X2+0.03X3+0.006X4+4.59 \quad (8)$$

Fixed effects estimator (REE) эконометрик модели асосида Hausman тести текширилди ва тест қиймати 0.0000 қийматига эга бўлди.

Fixed effects estimator (REE) эконометрик модели Hausman тести бўйича $H_0: y=0$, $H_1: y\neq 0$ $p>0.05$ бўлганда бош гипотеза маънога эга эмас. Тадқиқотимизда альтернатив гипотеза маъқулланди. Hausman тести $p>0.05$ қийматидан катталигини инобатга олган ҳолда ушбу шарти бажарилмаган.

Тадқиқот бўйича ЯИМ, юридик шахсларнинг бюджет тушуми бўйича фойда солиги, жисмоний шахсларнинг бюджет тушуми бўйича

фойда солиги, бюджет даромадлари юридик шахсларга солиқ имтиёзлари ҳамда бюджет даромадлари жисмоний шахсларга солиқ имтиёзлари ўзаро таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган таҳлиллар ва хulosалар натижасида қуидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Панель маълумотлари асосида Pooled OLS estimator (POLSE) модели эконометрик тенглама

$Y=0.18X1+0.67X2-0.18X3-0.01X4+7.28$ га кўра юридик шахсларнинг бюджет тушуми бўйича фойда солигининг 1% га ортиши, миллий иқтисодиётда ЯИМнинг 0,18% га ортишишга

олиб келади, жисмоний шахсларнинг бюджет тушуми бўйича фойда солиғи 1% га ортиши миллий иқтисодиётда ЯИМнинг 0.67% га ортишига олиб келади, шунингдек, бюджет даромадлари юридик шахсларга солиқ имтиёзлари ҳамда бюджет даромадлари жисмоний шахсларга солиқ имтиёзлари 1%га ортиши миллий иқтисодиётда ЯИМга тескари таъсир этади.

2. Панель маълумотлари асосида Fixed effects estimator (FEE) модели модели эконометрик тенглама

$$Y=0.27X_1+0.62X_2+0.03X_3+0.006X_4+4.59$$
 га кўра юридик шахсларнинг бюджет тушуми бўйича фойда солигининг 1% га ортиши, миллий иқтисодиётда ЯИМнинг 0,27% га ортишига олиб келади, жисмоний шахсларнинг бюджет тушуми бўйича фойда солиғи 1% га ортиши миллий иқтисодиётда ЯИМнинг 0,62% га ортишига олиб келади, шунингдек, бюджет даромадлари юридик шахсларга солиқ имтиёзларининг 1%га ортиши миллий иқтисодиётда ЯИМнинг 0,27% га ортишига олиб келади ҳамда бюджет даромадлари жисмоний шахсларга солиқ имтиёзлари 1%га ортиши миллий иқтисодиётда ЯИМга тескари таъсир этади.

3. Панель маълумотлари асосида Random effects estimator (REE) модели эконометрик тенглама

$$Y = 0.22X_1+0.62X_2-0.12X_3-0.007X_4+6.695.17$$
 га кўра га кўра юридик шахсларнинг бюджет тушуми бўйича фойда солигининг 1% га ортиши, миллий иқтисодиётда ЯИМнинг 0,22% га ортишига олиб келади, жисмоний шахсларнинг бюджет тушуми бўйича фойда солиғи 1% га ортиши миллий иқтисодиётда ЯИМнинг 0,62% га ортишига олиб келади, шунингдек, бюджет даромадлари юридик шахсларга солиқ имтиёзлари ҳамда бюджет даромадлари жисмоний шахсларга солиқ имтиёзлари 1%га ортиши миллий иқтисодиётда ЯИМга тескари таъсир этади.

Биз тадқиқотимизни панел маълумотлари асосида юқоридаги 3 та моделни таҳлил қилганимизда, бугунги кунда миллий иқтисодиётда логистика тизимидағи корхоналарни молиялаштиришда Pooled OLS estimator (POLSE) модели эконометрик тенглама

$$Y=0.18X_1+0.67X_2-0.18X_3-0.01X_4+7.28$$

моделини энг оптималь модел деб ҳисоблаймиз.

Моделни ишлаб чиқишида барча шартлардан ва тестлардан муваффақиятли ўтганлиги ҳам алоҳида эътиборга молик.

Шунингдек, Fixed effects estimator (FEE) модели ва Random effects estimator (REE) моделида Hausman тестининг р-қиймати аҳамиятлилик даражасидан ўтган ва биз ноль гипотезани рад этиб ҳолда бирлаштирилган Pooled OLS estimator модели мос келади деган холосага келдик.

Хуласа ва таклифлар. Мазкур мақола доирасида фойда солиғи, даромад солиғи, айланмадан олинадиган солиқнинг давлат бюджетнинг асосий даромад манбалари бўлган солиқларни хисобланиб, мазкур солиқларни прогноз қилиш доирасида амалга оширган кичик тадқиқотларимиз илмий холосалари шуни кўрсатмоқдаки, прогноз қилиш ўта мураккаб жараён бўлиб, ҳар бир солиқ тури бўйича прогноз кўрсаткичларига тез ўзгарувчан характерга бўлган кўплаб омиллар таъсир қиласди. Шу жиҳатдан олганда бизнинг фикримизча даромад манбалари бўлган солиқларни прогноз қилиш бугунги кунда жаҳон амалиётига кенг қўлланилаётган дастурий маҳсуллардан самарали фойдаланиш фойдадан ҳол бўлмайди ва унинг услугий асосларини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Бундан ташқари, мазкур солиқ турлари бўйича бюджеттага тушумлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади.

1) Фойда солиғи бўйича чегирилиши мумкин бўлган захира фондига банк бадаллари миқдорини 80% дан 60% гача камайтириш (Амалда солиқ тўловчилар Солиқ кодексига асосан банклар захира фондига ажратмаларнинг 80 фоизигача қисмини фойда солигидан чегириш ҳуқуқига эга).

2) Айланмадан олинадиган солиқ ставкасини ягона 3 фоиз қилиб белгилаш. Мазкур унификация доирасида чекка ҳудудларда фаолият кўрсатётган солиқ тўловчилар учун 1 фоизлик имтиёзли ставкани сақлаб қолиш (Амалда Солиқ кодексига мувофиқ айланмадан олинадиган солиқ бўйича фаолият тури ва уни амалга ошириш жойига қараб 22 турдаги ставкалар белгиланган).

3) Хусусий мулк ҳуқуқи асосида жисмоний шахсларга қарашли мол-мулкни юридик шахсларга сотишдан олинган даромадлари бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан имтиёзни бекор қилиш (Амалда бу имтиёздан жисмоний шахслар солиқ тўлашдан бўйин товлаш мақсадида фойдаланмоқдалар).

Манба ва фойдаланишган адабиётлар рўйхати:

1. Власова Ю.А., Абрамова А.И. Проблемы укрепления доходного потенциала региональных бюджетов в россии на примере калужской области//Креативная экономика. 2015. Т. 9. № 10. С. 1255-1276.
2. Сухарев О.С. Инвестиции в трансакционный сектор и в финансовые активы: влияние на экономический рост. Финансы: теория и практика. 2020;24(3):60–80. DOI: 10.15837/finansy.2020.24.3.60-80.
3. Брызгалин А.В. «Налоговая оптимизация: принципы, методы, рекомендации». -М.: 2002. С.54.
4. Пансков В., Кынязев В. «Налоги и налогообложение». Учебник. -М.: МЦФЭР. 2003.С.61.

5. Худойқулов С.К. Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини тақомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DcS) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автoreферати. 2019 йил. Б. 14-16; 20-21; 28-29.
6. Агзамов А.Т. Жисмоний шахсларни солиқка тортиш амалиётини тақомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автoreферати. Иқтисодиёт фанлари доктори (DcS) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. <http://diss.natlib.uz>. 2019 йил. Б. 27, 218-220, 225-230.
7. Мирзаева Ф. М. *Makroiqtisodiy ko'rsatkichlarga bilvosita soliqlarning ta'siri* //Журнал Инновации в Экономике. – 2021. – Т. 4. – №. 11.
8. Стиглиц Дж. Экономика государстваенного сектора/Дж. Стиглиц; пер. с англ. – М.: МГУ, 1997 – с. 73.
9. Rizka Zulfikar, STp, MM "Estimation model and selection method of panel data regression : an overview of common effect, fixed effect, and random effect model"
10. Greene, William H. *Econometric Analysis*, 7th ed., Pearson Education, 2011.
11. Holtz-Eakin, Douglas, Whitney Newey, and Harvey S. Rosen, 1988, "Estimating Vector Autoregressions with Panel Data," *Econometrica*, 56(6), 1371-1395.
12. Fitzmaurice, Garrett M.; Laird, Nan M.; Ware, James H. (2004). *Applied Longitudinal Analysis*. Hoboken: John Wiley & Sons. pp. 326–328. ISBN 0-471-21487-6.¹
13. Gomes, Dylan G.E. (20 January 2022). "Should I use fixed effects or random effects when I have fewer than five levels of a grouping factor in a mixed-effects model?". PeerJ. 10: e12794. doi:10.7717/peerj.12794. PMC 8784019. PMID 35116198.
14. Laird, Nan M.; Ware, James H. (1982). "Random-Effects Models for Longitudinal Data". *Biometrics*. 38 (4): 963–974. doi:10.2307/2529876. JSTOR 2529876.
15. Gardiner, Joseph C.; Luo, Zhehui; Roman, Lee Anne (2009). "Fixed effects, random effects and GEE: What are the differences?". *Statistics in Medicine*. 28 (2): 221–239. doi:10.1002/sim.3478. PMID 19012297.
16. Beyer, W. H. *CRC Standard Mathematical Tables*, 31st ed. Boca Raton, FL: CRC Press, pp. 536 and 571, 2002.
17. Isaev, F. (2021). Мол-мulkни солиқка тортишни тақомиллаштириши. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (6), 326–333. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224
18. Исаев, Ф. (2022). РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ. *Iqtisodiyot Va ta'lif*, 23(5), 171–176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>
19. Isaev F. I. Tax Accounting: Theory and Practice //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2022. – Т. 9. – №. 12. – С. 30-38.
20. Ikromovich, Isayev Fakhreddin. "Concept of economic analysis and its structural components." *International Journal of Marketing and Technology* 7.12 (2017): 1-13.
21. Ikromovich, Isayev Fakhreddin. "Analysis of the profit tax and its improvement." *International Journal of Research in Social Sciences* 7.12 (2017): 74-85.
22. Jumaev Nadir Hosiyatovich, Rizaev Nurbek Kadirovich, & Isaev Fakhreddin Ikromovich. (2023). ORGANIZATION OF TURKIC STATES: INTEROPERATION AND ACCOUNTING SYSTEM. *British Journal of Global Ecology and Sustainable Development*, 13, 116–129. Retrieved from <https://journalzone.org/index.php/bigesd/article/view/245>
23. Stata дастури асосида муаллиф томонидан мустақил ишлаб чиқилди